



Муносабат

Фракция йиғилиши

Маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бола ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш, болалар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг барвақт олдини олишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, болаларни назоратсиз турли чет эл давлатларида қолдириб келиш каби сўнги вақтларда учраётган салбий ҳолатлар вояга етмаганларнинг жисмоний, интеллектуал, руҳий ва маънавий ахволига салбий таъсир кўрсатмоқда.



Йиғилишда мутасаддилар қонун лойиҳаси юзасидан тушунтириш берар экан, ушбу ҳужжат ота ёки она ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахс ёки ҳамроҳлик қилувчи шахс томонидан бола-нинг чет эл давлати ҳудудида назоратсиз қолдиргани учун маъмурий ва жиноий жавобгарлики белгиланган орқали болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилишини билдирди.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида хорик тажрибаси ҳам ўрганилганлиги билан қизқиди.

Маълум қилинишича, лойиҳани тайёрлаш жараёнида хорик тажриба ҳам ўрганилган. Хусусан, Германия, Франция, Канада, АҚШ, Буюк Британия ва Жанубий Корея каби давлатларда бу каби қилишлар учун жавобгарлик мавжудлигига эътибор қаратилган.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини кўриб чиқиш давомида партия позициясидан келиб чиққан ҳолда бир қатор таклифлар беришди. Айрим нормалар юзасидан саволлар ўртага ташланди. Қонун ташаббускорлари йиғилишда кўтарилган барча саволларга батафсил жавоб қайтардилар. Депутатлар томонидан берилган таклифлар эътиборга олинди, қонун лойиҳаси маъқулланди.



БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН СИНГАПУР

Қодир Жўраев,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари

СИНГАПУР
МЎЪЖИЗАСИНИНГ СИРИ
Сингапур – «мўъжизакор юрт», «Осиё йўлбарси» атамалари билан аталиши бежиз эмас. Утган асрнинг 70-йилларига қадар энг қашшоқ саналган ушбу мамлакат қисқа фурсат ичида дунёдаги энг тараққий этган давлатлар қаторига қўшилди.

Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган ушбу давлат бор-йўғи 733,2 км² майдонга эга. У дастлаб 1951 йилда Британия империяси таркибида автоном давлат сифатида вужудга келган, 1963 йилда эса Малайзия билан ягона федерацияга бирлашган ва фақатгина 1965 йилга келиб Малайзиядан ажралиб чиқиб, ўзининг

тўлиқ мустақиллигини эълон қилган эди.


Албатта, «учинчи» дунёдаги ўта қолоқ мамлакатнинг қисқа вақт ичида ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига турли омиллар сабаб бўлди. Бунда, айниқса, моҳир ва дошишманд етакчи, атоқли давлат ва сиёсат арбоби Ли Куан Юнинг хизматлари жуда катта. Айнан унинг кенг қамровли ислоҳотлари туфайли Сингапур шу даражада юксак тараққий чўққисига эришди. Тўғри танланган стратегия ва унга мос равишда

амалга оширилган аниқ тактика ўз самарасини берди.

Тараққийнинг драйверлари сифатида молия, транспорт хизматлари, логистика, шаҳарсозлик, соғлиқни сақлаш, рақамли иқтисодиёт ва илғор технологияларни ривожлантириш каби 7 та асосий йўналишнинг танлаб олинганлиги пировард натижада ислоҳотларнинг улкан муваффақиятини таъминлади.



Жорий йилнинг 16–17 январь кунлари Лувр музейидаги «Ўзбекистон воҳаларининг мўъжизалари. Карвон йўллари чорраҳасида» номли кўرғазма доирасида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан Лувр музейи ва Коллеж де Франс билан ҳамкорликда ташкил этилган илмий анжуман бўлиб ўтди. Конференция Ўзбекистон ва Франциянинг етакчи олимларини сўнги икки минг йил мобайнида мавжуд Ўзбекистон ҳудудидаги тарих, маданият ва турли тамаддунларга хос осори атиқалар хусусидаги масалаларни атрофлича муҳокама қилиш учун жамлади. Тадбирда Ўзбекистондан 6 нафар олим иштирок этди. Унда ЎзР ФА вице-президенти, «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимов ҳам иштирок этди ва нутқ сўзлади.



Қишнинг роса ўртасидамиз,
Айни совуқ авжга чиққан дам.
Исатади уйни печкамиз,
Олов қанча ёнса, шунча кам.
Шундай кунда бўлиб умидвор,
Кўнгил баҳор фаслин қўмсайди.
Новдаларда ўрнаб қолган қор
Худди оппоқ гулга ўхшайди.

Мўралаймиз дарчадан қишга,
У эшикнинг ортида турар.
Чидаб тишни босамиз тишга,
Токи чилла чиққунга қадар.
Қор устига қор сўрар қарга,
Кулга тўлиб бормоқда ўчоқ.
Тиқилишиб яшаймиз зўрга,
Қиш уйининг торлиги чатоқ.
Муҳиддин ОМАД

ОДАМИЙЛИК учун
ЖАЗО... 5

УВАЙСИЙЧИ
УЧУПДИКМИ?... 6

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН СИНГАПУР



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI

20 22 yil « 17 » noyabr № 32/122-79 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунийлик палатасига

Мавзуга қайтиб

Ли Куан Ю ҳукуматининг иқтисодий ривожланиш стратегияси Сингапурни аввалига Жануби-Шарқий Осиёнинг, вақт ўтиб эса глобал молиявий ва тижорат марказига айлантириш, шунингдек, хорижий инвесторларни кенг жалб қилишга асосланган эди. Чунки, мамлакатда белгиланган ислохотларни ўтказиш учун етарлича маблағ зарур эди. Шу мақсадда хорижий тадбиркор ва сармоядорларга турли имтиёзлар берилди ва шу тариқа улар мамлакатга фаол жалб қилди.

1997 йил 8 апрелда ўрнатилган. Ўтган йили дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги кенг нишонланди.

Ўзбекистон – Сингапур ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини 14 та ҳужжат ташкил қилади, улардан 6 таси давлатлараро ва ҳукуматлараро, 6 таси идоралараро ва 2 таси тармоқлараро ҳужжатлардир.

«Биз ҳар бир инвесторни қучоқ очиб қутуб олдик. Улар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари учун барча шароитларни муҳайё қилдик», деб ёзган эди Ли Куан Ю. Ҳақиқатан ҳам, мамлакат раҳбарияти инвесторлар ишончини қозонишга кўп ҳаракат қилди ва охири-оқибатда бунга эришди.

Икки мамлакат халқаро ташкилотлар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. Сингапур БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган бир қатор резолюцияларни қўллаб-қувватлади. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам БМТнинг турли тузилмаларида Сингапур номзодини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Параллел равишда Ли Куан Ю ҳукумати коррупцияга қарши қонунлар қабул қилиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратди ва бу борада қатъий чоралар кўрди. Аввало, коррупцияга қарши курашиш борасида «Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида» ги ҳақда «Коррупция, гиёҳванд моддалар савдоси ва бошқа оғир жиноятлар тўғрисида» ги 2 та муҳим қонун қабул қилинди. Шу билан бирга, мамлакатда аҳоли ўртасида коррупция қарши қучли менталитет шакллантирилди ва бу жараён жамоатчилик томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Икки мамлакат ўртасида ўзара савдо айирбошлаш ҳамма динамикаси доимий ўсимида бўлиб, 2017 йилдаги 92,6 миллион доллардан 2022 йилда 143 миллион доллар (экспорт – \$ 105 млн., импорт – \$ 38 млн) га етди.

Ушбу қатъий чора-тадбирлар натижасида Сингапурни коррупция ботқоғидан олиб чиқишга муваффақ бўлинди. Ҳозирда Сингапур коррупциядан энг холи мамлакатлар кучли бешталигидан мустаҳкам ўрин олган. Жумладан, «Transparency International» халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан 2020 йил учун эълон қилинган рейтингда Сингапур коррупцияни идрок қилишида энг паст кўрсаткичли мамлакатлардан бири сифатида дунё миқёсида 3-ўринда (Дания ва Янги Зеландиядан кейин) қайд этилди. Бошқа ташкилотлар рейтингларида ҳам бу борада энг пешқадамлар қаторида туради.

Сингапурнинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритаётган инвестициялари ҳамма ҳам йилдан йилга ўсиб бормоқда. 2016–2022 йилларда Сингапурнинг инвестициялари жами 700 миллион долларни ташкил этган.

Ҳозирда Сингапур юксак даражада тараққий топган давлат сифатида ўзида улкан иқтисодий, молиявий ва инсон капиталини мужассам этмоқда. Аҳолиси салкам 6 миллион кишини ташкил қилаётган мамлакатда ялпи ижтимоий маҳсулот ҳамма 379 миллиард долларга тенг бўлиб, йиллик даромад ҳар бир фуқарога 65 минг долларга яқин.

Лекин бу рақамлар мавжуд имкониятлар даражасидан анча паст бўлиб, ҳали биргаликда кўплаб истиқболли лойиҳаларни йўлга қўйиш мумкин.

Икки мамлакат ўртасида маданий-гуманитар соҳада делегациялар алмашинуви мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Чунончи Сингапур ижодий жамоалари Самарқандда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалларида доимий равишда иштирок этиб келмоқда.

Таълим соҳаси ўзбек-сингапур ҳамкорлигининг энг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади.

2008 йилдан бери Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти (MDIS) фаолият юритмоқда.

2021 йилда Сингапурдаги Технологиялар менежмент ва коммуникациялар академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали ташкил этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузури-

даги Давлат бошқаруви академияси ҳамма Сингапур Миллий университети тизимидаги Ли Куан Ю Давлат сиёсати мактаби, шунингдек, Сингапур Давлат хизмати коллежи билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда. Дастлабки келишувга кўра, 2023 йил мобайнида 200 нафарга яқин давлат хизматчилари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда.

Маданий-гуманитар соҳаларда ҳам кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқдаки, улар икки мамлакат тараққиётига хизмат қилмоқда.

Иккинчи йўналиш – Сингапурни Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнларига кенг жалб қилиш.

Учинчи йўналиш – илғор «яшил» технологиялар ва рақамли ечимларни жалб қилиш.

Туртинчи йўналиш – шаҳар инфратузилмаси ва коммуникацияларни такомиллаштириш.

Бешинчи йўналиш – инвестициялар ва ўзаро савдони кенгайтириш, Сингапурнинг етакчи компаниялари билан қўшма лойиҳаларни илгари суриш.

Олтинчи йўналиш – жамоат хавфсизлигини таъминлаш, миллатлараро тотувлиқни асраш ва радикализмга қарши курашиш борасида тажриба алмашиш.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЕВНИНГ СИНГАПУРГА ТАШРИФИ

2023 йил 17 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга давлат ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф доирасида ушбу мамлакат Президенти Ҳалима Якуб ва Бош вазир Ли Сянь Лун билан музокаралар бўлиб ўтди.

Ташриф давомида Президентимиз шарафига Сингапурнинг миллий рамзи бўлган орхидея гулининг янги нави «Шавкат Мирзиёев орхидеяси» деб ном берилди маросими бўлиб ўтди. Бундай тадбирлар анъанавий равишда Сингапурнинг олий мартабали меҳмонлари ва таниқли арбобларга юксак ҳурмат ва эҳтиром белгиси сифатида ўтказилади.

Икки томонлама учрашув ва музокаралар давомида Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштириш истиқболлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштириш борасидаги ислохотлар юзасидан фикр алмашилди.

Икки мамлакатнинг Марказий ва Жануби-Шарқий Осиёда минтақавий ҳамкорлик ва интеграцияни кенгайтириш борасида сўз борди.

Халқаро майдонда Ўзбекистон ва Сингапур минтақавий барқарорлик ва изчил тараққиёт масалаларида бир-бирини англаши ва бу борадаги ташаббусларни илгари суришда ўзаро кўмаклашаётгани қайд этилди.

Икки мамлакат етакчилари ўзаро ҳамкорлигининг бугунги ҳолатини кўриб чиқиб, алоқалар жадал сурьат билан ривожланиб бораётганини таъкидладилар ва истиқболли йўналишларини белгилаб олдилар.

Давлатимиз раҳбари Сингапур билан яқин истиқболдаги ҳамкорликнинг олти асосий йўналишини кўрсатиб ўтди.

Биринчи йўналиш – инсон капиталини ривожлантириш ва давлат бошқаруви учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш.

Учрашув ва музокаралар натижасида устав капитали 500 миллион доллар бўлган Ўзбекистон – Сингапур инвестиция компаниясини ташкил этиш юзасидан келишувга эришилди.

Бундан ташқари, томонлар халқаро ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Очиқ ва дўстона муҳитда ўтган учрашувлар якунида Шавкат Мирзиёев Сингапур Президенти Ҳалима Якуб ва Бош вазир Ли Сянь Луни ўзларига қулай вақтда мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди.

Музокаралар натижасида икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида Ўзбекистон – Сингапур ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган 8 та ҳужжат имзоланди.

Хусусан, таълим, транспорт, соғлиқни сақлаш, кадрлар, шу жумладан, давлат хизматчиларини тайёрлаш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида битимлар қабул қилинди.

Шунингдек, савдо-иқтисодий шериклик ҳамда икки мамлакат прокуратуралари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича келишувларга эришилди.

Ташриф давомида давлатимиз раҳбари Ли Куан Ю номидаги Давлат сиёсати мактабига ташриф буюрди ва Сингапурнинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сингапурга ташрифи жуда самарали ўтди. Ушбу ташриф Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги диверсификация қилиш, жаҳоннинг муҳим ва стратегик ҳисобланган Жануби-Шарқий Осиё минтақасига жадал кириб боришига кенг йўл очди. Ташриф давомида эришилган келишув ва битимлар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг янада мустаҳкамлашишига хизмат қилади.

Депутат сўровига жавоб берилди

Маълумки, Олий Мажлис Қонунийлик палатасидаги «Адолат» СДП фракциясининг бир гуруҳ депутатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига депутат сўрови юбориб, Бухоро вилояти Вобкент тумани «Хайробод» МФЙ ҳудудидеда жойлашган XIII асрга оид ноёб меъморий обида – «Чашмаи Айюб» мақбарасини реставрация ва консервация қилиш ҳамда мазкур ёдгорлик пештоқидан бир вақтлар чет элга ўғирлаб кетилган ва кейинчалик Ўзбекистонга қайтарилган кошнини ўз жойига ўрнатилмасаласини кўтарган эдилар.



Мазкур депутат сўровига Ҳукумат томонидан берилган жавобда «Чашмаи Айюб» мақбарасини реставрация ва консервация қилиш, унинг атрофини ободонлаштириш, бу ерда туризм инфратузилмаси ривожлантириш ишлари 2023 йилги режага киритилганлиги маълум қилинди.

Демак, тез орада «Чашмаи Айюб» мақбараси архитектура ёдгорлигининг алоҳида техника ҳолатини чуқур ўрганиш асосида мазкур архитектура ёдгорлигини реставрация ва консервация қилишнинг алоҳида режаси ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Депутат сўровига жавобда, шунингдек, «Чашмаи Айюб» мақбараси архитектура ёдгорлигида реставрация ва консервация қилиш ишлари олиб борилаётганда ўғирланган кошнин ҳамма ўз жойига қайта ўрнатилиши маълум қилинди.

Эслабтиб ўтайтиш, 2011 йилда ушбу ёдгорлик пештоқидеда арабча ёзувнинг бир бўлаги нопок кимсалар томонидан ўғирланиб, чет элга сотиб юборилган ва фақатгина 2017 йилга келиб, мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идораларининг қатъий саъй-ҳаракатлари туфайли кошнин юртимизга қайтарилган эди.

Ҳозирги кунда «Чашмаи Айюб» кошнини вақтинчалик Ўзбекистон давлат санъати музейида сақланмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Чашмаи Айюб» мақбарасини ишончли муҳофаза қилиш борасида кўзда тутилган зарур чора-тадбирлар алоҳида назоратга олинди.

Ташаббус

СОҒЛИГИМИЗНИ ВА ҚўРҒОНИМИЗНИ АСРАЙЛИК!



Айни кунлардаги минтақамиз, шунингдек, юртимизда ёққан қалин қор ва кузатилаётган аномал совуқ барчамизнинг турмушимизга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Қор билан қопланган кўчалар, таълим муассасалари, ишхона ва яшаш хонадонларимиз гўзал бўлиб кўринадилар. Аммо атроф-муҳитдаги ушбу ҳолат барчамизга маълум қийинчиликларни юзага келтираётгани бор ҳақиқат.

Албатта, ушбу вазиятда ободонлаштириш ва тазалов ишларига масъул бўлган ташкилот ходимлари жонбозлик билан фаолият олиб бораётганини эътироф этиш лозим. Лекин, айни ҳолатга реал баҳо берадиган бўлсак, қилинадиган ишлар кўлами жуда кенг. Уларимиз, йўлакларимиз ва ишхоналаримиз ҳовлилари-ю кўча қисмларидаги қор ва яхмалакларни тазалаш, ушбу совуқ ва намгарчилик бино ва иншоотларга, техника ва транспорт воситаларимизга ва энг муҳими, ўзимиз ва фарзандларимизнинг саломатлигига салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Шу боис, бугун давлатнинг ҳокимиятининг, масъулларнинг ёрдамига суяниб қолмасдан, барчамиз шу Ватан фаровонлигига дахлдорлигимизни ҳис қилган ҳолда, ҳамжихатликда ўзимиз яшаётган хонадонларимиз, ишхона, таълим ва бошқа муассасаларимизнинг атрофини қордан ва муздан тазалаш вақти келди.

Айни вазиятдан келиб чиқиши мумкин бўлган салбий талафотларнинг олдини олиш ва мавжуд кескинликни юмшатиш мақсадидеда «Адолат» социал-демократик партияси фаоллари барчани мажбурий эмас, балки ихтиёрий равишда ҳашар ташкил этиб, уларимизнинг тротуарлари, ички кўчаларимизни, турли ташкилотлар жойлашган ҳудудларнинг атрофларини қор ва муздан тазалаш ишларини бошлашга чорлайди.

Биз ўзимиз яшаётган, ишлайдиган бинолар атрофини, уйга – ишга бориб келадиган йўлакларни қор ва муздан тазалашга кўмаклашимиз лозим. Эрта-индин таътил тамом бўлиб, фарзандларимиз мактаб-боғчага кетаётганида йиқилиб тушса-ю жароҳат олса ёки ўзимиз шошилиб кетаятиб сирпаниб йиқилсак, яна «ҳокимият қаёққа қараяпти», деймишимиз?

Ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш ўз қўлимизда. Биргалишиб муз билан қопланган жойларни тазаласак ёки қум-туз аралашмаси сепсак, ўзимиз ва яқинларимизни асраган бўламиз.

Бизнинг ишончимиз қочиб, партияимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ушбу эзгу тадбир барча юртдошларимиз орасида кенг оммалашиб, ўзининг ижобий самарасини беради.

Тарихдан маълумки, меҳнатқаш ва бунёдкор халқимиз оғир вазиятларни бирдамлик билан, ижобий анъана тусига кирган ҳашарлар орқали қисқа фурсатда енгиб ўтиб, бошқаларга намуна бўлиб келган. Бошлаган ушбу хайрли ташаббусимизга қўшилишлар сафни кенгайтиришига аминимиз.

«Адолат» СДП Матбуот хизмати

ТРАНСФОРМАТОРДАГИ НОСОЗЛИК БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Пойтахтимиздаги электр энергияси билан боғлиқ муаммолар ва турли носозликлар аҳоли-мизга бир қанча нокулайликларни келтириб чиқараётгани ҳақида деярли ҳар кун ижтимоий тармоқлардаги турли хабарларда ўқиб қоламиз. Фуқаролар бундай муаммолар юзасидан депутатларимизга ҳам мурожаат этишмоқда.

Жумладан, Миробод тумани «Оқ уй» маҳалласи «Эски отчопар» кўчаси аҳолиси электр таъминотидаги узиллишлар юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Тошпўлат Матибаевга мурожаат қилишди.

Мурожаат депутат томонидан жойига бориб ўрганилганда эски трансформаторда техник носозлик юзага келгани аниқланди.

Депутат қўрилмадаги носозликни бартараф этиш масаласида амалий ёрдам кўрсатди.

Шунингдек, депутат аҳолига қулай бўлиши учун кўчаларда юзага келган яхмалакларни тазалаш ишларини ҳам ташкиллаштирди.

Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати

Хабарингиз бор, минтакамизга, юртимизга кириб келган аномал совуқ туфайли бугун барчамиз синовли кунларни бошдан кечирмоқдамиз.

Ҳаво ҳароратининг кескин пасайиб кетиши ва қалин қор ёғиши сабабли жойларда электр энергияси ва газ таъминотида юзага келаётган узилишлар, кўчаларда транспорт воситалари ҳаракатида қузатилаётган айрим қийинчиликлар фуқароларимизнинг кундалик ҳаётига, иш фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди.

Ҳукуматимиз томонидан ушбу ҳолатни енгилаштириш ва юзага келган муаммоларни ҳал этиш мақсадида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "Адолат" социал-демократик партияси фаоллари, депутатларимиз ҳам хайрли ишга бош қўшиб, аномал совуқ шароитида ўзининг касбий фаолиятини олиб бораётган соҳа ходимлари ва уларга беминнат кўмаклашиб, жонбозлик кўрсатаётган юртдошларимизга, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган инсонлари бор хонадонларга иссиқ озиқ-овқат ва кийим-кечак тарқатишда фаоллик кўрсатмоқдалар.

«Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ҳамда партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан пойтахтимиздаги маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга аномал совуқ шароитида фойдаланиш учун уй-рўзгор буюмлари тарқатилди.

Партия фаоллари, депутатлар ва ҳудудлардаги маҳалла фаоллари иштирок этган хайрия тadbирларида 100 га яқин хонадонларда истиқомат қилаётган оилалар ҳолидан хабар олинди, уларга моддий кўмак берилди.

Юртимиз тарихига назар ташласак, аждодларимиз бу каби синовли дамларда доимо елкама-елка туриб, бир-бирини қўллаб-қувватлаган ҳолда халқимиз бошига келган қийинчиликларни енгиб ўтганлар.

Шу боис, биз, "адолатчи"лар бугунги хайрли тadbирларда фаол иштирок этаётган барча фуқароларни қўллаб-қувватлаган ҳолда юртдошларимизни ушбу синовли кунларда ҳамжиҳат бўлиб, ўзаро бирдамликда мавжуд муаммоларни бартараф этишга чақирамиз.

"Адолат" СДП
Матбуот хизмати



ҲАМЖИҲАТЛИК — ЭЗГУ ҚАДРИЯТ



МУҲТОЖЛАРГА КЎМАК БЕРИЛДИ

Ўзгаларга меҳр-саховат кўрсатиш, муҳтожларга кўмак бериш халқимизнинг эзгу қадриятларидан биридир. Бир гуруҳ депутатларимиз эзгу қадриятларга амал қилган ҳолда эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олишди.

Халқ депутатлари Фарғона туман Кенгаши депутатлари — Б.Аҳмаджонов, О.Дадажонов, Ф.Мирзаев, Ш.Раҳимов «Пастки арча», «Юқори арча», «Зилол», «Беруний» МФЙ ҳудудидаги хонадонларда бўлиб, эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришди.

— **Партиянинг «Саховат — беназир қадрият» лойиҳаси доирасида «Наврўз» МФЙ раиси Р.Божанов билан биргаликда ҳудуддаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган нуронийларга озиқ-овқат маҳсулотлари топшириб, Уларнинг хурсандчилиги, эзгу ниятлар билан қилган дуолари бизнинг ҳам кўнглимизни тоғдек кўтарди,** — дейди халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши депутати Жаҳонгир Усмонов.

Фарғона вилоят кенгаши
матбуот хизмати



Бугун барчамизни ўйлашга мажбур қилаётган оғир дардлардан бири — онкологик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш юзасидан мамлакатимизда қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу касалликларни эрта босқичларда аниқлаш мақсадида республикамиз ҳудудларида кўкрак беши, бачадон бўйни саратони бўйича скрининг тadbирлари ўтказилмоқда.

АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ ЙЎЛИДА

Зухра ҚУДДУСОВА,
"Адолат" СДП Самарқанд туман кенгаши раиси

Ушбу режали ишларни, беморларга яратилган ҳозирги кундаги шарт-шароитларни ўрганиш учун халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати Санобар Мирсаидова Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилоят филиалига борди.

Филиалда «Електра Инфинити» фирмасининг замонавий чизиқли тезлаткич нур бериш ускунаси ўрнатилган бўлиб, бу мамлакатимизда онкологик касалликлар билан касалланган беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишнинг янги босқичига ўтилганлигидан дарак беради. Ушбу замонавий ускунанинг имкониятлари жуда кенг, у даволовчи нурни нишонга максимал аниқликда ва белгиланган дозада беришга қодир. Шунингдек, соғлом тўқима

ҳамда аъзолар зарарланишини минимал даражада қисқартиради. Ушбу меъёрга амал қилиш натижасида даволаш самарадорлиги ортади, беморлар ҳаёти яхшиланади, ноҳўя таъсирларнинг қисқариши ҳисобига беморлар ногиронлиги қамаяди.

Депутат филиалнинг аёллар касаллиги ва мамалога бўлимида хотин-қизлар саломатлигини сақлаш йўлида салмоқли ишлар амалга ошириляётганига гувоҳ бўлди.

Шунингдек, ўрганиш жараёнида депутат С.Мирсаидова шифокорлар ва фуқароларга давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси, унда соғлиқни сақлаш тизимида режалаштирилган устувор мақсадлар юзасидан маълумот берди.

ДОРИХОНАЛАРДАГИ ДОРИЛАР ИШОНЧЛИМИ?

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 26 октябрда қабул қилинган «Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори аҳоли ва тиббиёт ташкилотларининг сифатли дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар билан таъминланганлик даражасини ошириш, соҳада фаол жамоатчилик назоратини олиб бериш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Мазкур қарор билан давлат рўйхатидан ўтказилган белгиланган дори воситаларидан ташқари дори воситалари савдосига чек қўйилди. Шунингдек, дори воситаларининг рецепт бўйича ва рецептсиз берилиши уларнинг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда белгиланган тартибда амалга оширилиши белгиланди.

Ижтимоий тармоқларда айрим турдаги дори воситалари инсонлар саломатлигига зарар етказгани ҳақида хабарлар тарқалди, бу эса айти масаланинг

долзарблигини оширди. Хўш, бугун дорионаларда сотилаётган дори воситалари ишончлими? «Адолат» СДП Жалақудук туман кенгаши фаоллари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан юқоридаги саволга жавоб топиш мақсадида туман ҳудудидаги дорионалар фаолияти ўрганилди.

Жумладан, «Шифо» хусусий дорионаси ҳамда 24-оилавий поликлиникадаги ижтимоий дорионада савдода бўлган дори воситалари кўриб чиқилди. Ҳаммаси белгиланган тартибда.

МУРОЖААТЛАР ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА

Меҳринисо ЯКУБОВА,
Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги «Кенгмакон» МФЙда истиқомат қилувчи 26 ёшли Дилноза Нуриддинова гўдақлик вақтида нотўғри эмлангани сабабли оёқлари фалаж бўлиб қолган. Шунга қарамайдан, у кучли иродаси билан нималарга қодир эканини исботлаган. Айрим соғпа-соғ кишиларга унинг қилаётган ишларини ибрат сифатида кўрсатиш мумкин. Тадбиркор Д.Нуриддинова бугунги кунда ўзи яшаётган маҳаллада энгил автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолиятини йўлга қўйган.

Дилноза бун шундай изоҳлайди:

— Ёшлигимдан акамлар билан ўсганим учун автомобилларга қизикман. Улардан кўп нарсани ўрганганман. Шу сабаб тadbиркорлик фаолиятини шу ишга болаганман.

Имконияти чекланган қаҳрамонимиз саломатлигини тиклаш мақсадида жуда кўп ташкилотларга мурожаат қилди. Аммо бундан бирон натижа бўлмади. Д.Нуриддиновага Ҳиндистонга бориб жарроҳлик амалиётидан ўтиши учун 23 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ зарур. У операция маблағи учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулруҳ Агзамовага ҳам мурожаат қилди.

Депутат унинг мурожаатини ўрганиб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида кўриб чиқиш учун тақдим этди. Д.Нуриддинованинг муаммоси фақатгина бу эмас. У истиқомат қилаётган уй «снос»га тушган. Бу уйда ундан ташқари икки акаси ва келиноилари фарзандлари билан яшайди. Маълум бўлишича, унинг уйи ўрнида янги асфальт йўл ётқизилиши режалаштирилган. Агар «снос» бўйича бузиладиган бўлса Д.Нуриддинова яшайдиган 8 сотихли уйнинг 2 сотих қисмига зарар етди. Бу эса шундоқ ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож оиланинг аҳолини баттар оғирлаштиради. Уй бузилиши бўйича туман кадастр ташкилотидан бир неча марта оғохлантириш хати келган. Бунга жавобан Д.Нуриддинованинг бормаган жойи қолмади. Бироқ ҳанузгача рад жавоби олиб келмоқда.

Айни вақтда депутат Г.Агзамова Д.Нуриддинованинг мурожаатини ўрганиб, унга ечим топишга ҳаракат қилмоқда.



Юртимизда носоз йўлларни сошлаш, айниқса, кишлоқлардаги таъмирталаб йўллар, хусусан, ички йўлларни таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари жадал сурьатларда амалга ошириляётгани эътиборга молик.

Дилдора ЙЎЛДОШЕВА,
Музработ туман кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти фаоли

Айниқса, бу борада депутатларимиз фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Ана шундай ишларга бош қўшаётган вакилларимиздан бири халқ депутатлари Музработ туман Кенгаши депутати Жамшид Амановдир. У зиммасидаги масъулиятни яхши англаган ҳолда бир неча йиллардан буён туман аҳолисини қийнаб келаётган айрим муаммоларнинг қонуний ечимини топиб, савобли ишларни мунтазам бажариб келаётган фаол депутатлардан бири саналади.

Тумандаги «Меҳнатобод» маҳалласида 1000 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кишлоқ аҳолиси ёзда чанг, қишда пой кўчалардан юришга қийналишар, айниқса, болаларнинг мактабга боришига ноқулайлик туғдирарди. Аҳоли мутасаддиларга бир неча бор мурожаат қилишган бўлса-да, мурожаат ижобий натижа топмай келаётган эди.

Депутат Жамшид Амановнинг аҳоли билан юзма-юз мулоқоти давомида фуқаролар томонидан мазкур муаммо кўтарилди.

Депутатимиз муаммони ўрганиб, туман «Ободонлаштириш» корхонаси мутасаддилари билан ҳамкорликда унга ечим топди. Яъни маҳалладаги 1300 метр ички йўлларга тош ётқизилиб, маҳалла аҳлига қулайлик яратилди.

— **Маҳалламиз ички кўчаларида ўйдим-чукур йўллар йўловчию ҳайдовчию бирдек ноқулайлик туғдирарди,** — дейди фуқаро Ҳабиб Нормуродов. — **Мана, бугун кўчаларимиз обод бўлди. Маҳалладошларимизнинг кувончи чексиз. Оғиримизни енгиб қилиб, йўлларимиз раvon бўлишига ҳисса қўшган депутатимизга миннатдорлик билдирамиз.**

Шунингдек, халқ билан мулоқот даврида депутатимиз тумандаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ғамхўрлик, меҳр-муруват кўрсатиш, аҳоли фаровонлиги, тинчлиги ва товулигини таъминлашдек хайрли ишларда ўзининг беминнат ёрдамини аямай келмоқда.



Шундай бўлса-да, соҳа ходимларига сифатсиз дори воситалари савдосига йўл қўймаслик, нархларнинг бир хиллигини таъминлаш ва айрим турдаги препаратларнинг Ўзбекистонда сотуви тўхтатилганлиги бўйича тушунтиришлар берилди.

Тўйдихон АЛИБОЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ёрдамчиси:

— **Аҳоли саломатлиги ҳамма вақт долзарб вазифа. Шу сабабли биз бу борада доим жамоатчилик назорати**

Анджон вилоят кенгаши
матбуот хизмати

